

ЎЗБЕК ВА ЯПОН МАДАНИЙ ҚАДРИЯТЛАРИНИНГ МАҚОЛЛАРДАГИ ИФОДАСИ

О.Ф. Ачилова

СамДЧТИ ўқитувчиси

Маълумки, халқ мақоллари ўтмишда асосан, адиблар, шоирлар, тарихчилар каби буюк шахслар эътиборида бўлган ва уларнинг жамиятга қарата айтилган нутқи ва кўрсатмалари ҳамда улар яратган асарларда ҳам акс эттирилган бўлиб, бу ҳолат ҳамма замон сўз санъаткорларининг диққат марказида бўлиб келган. Хусусан, XI асрнинг улкан тилшунос олими ва этнографи Маҳмуд Кошғарийнинг “Девони луғотит турк” асари фикримизнинг ёрқин далили бўла олади. Ушбу асарда туркий халқлар орасида кенг тарқалган 400 га яқин мақолларга мурожаат қилинган бўлиб, уларнинг аксарияти бугунги кунда ҳам кишилар нутқида фаол ва самарали тарзда воқеланиб келмоқда [1].

Умуман олганда, мақолларга мурожаат қилишдан мақсад, халқнинг миллий характериغا оид панд - насиҳат ёки буйруқ ва кўрсатма бериш каби императив мазмунга эга бўлган нутқни назокатли маҳорат билан халққа етказишдан иборат.

Шу ўринда, япон халқининг миллий характериغا оид хусусиятларга оид манбаларга мурожаат қилишда, авваломбор, япон мифологиясини ўз ичига олган 「古事記」 (Кожики) тарихий манбасига мурожаат қилиш жоиздир. Ушбу асар ҳақида қисқача изоҳ берадиган бўлсак, у япон халқининг энг қадимги манбаларидан бўлиб, 元明天皇(император Генмей, 707-715)нинг буйруғига биноан, мансабдорлардан саналган 稗田阿礼 (Аре Хиеда) томонидан ўқилган мазмун зодагон 太安万侶 (Ооно Ясумаро) томонидан 8 - аср бошларида (711-712) ёзилган ва бугунги кунда ҳам муқаддас асар сифатида сақланиб қолинган энг қадимги япон асари ҳисобланади.

Уч жилддан иборат ушбу асарда бир нечта мақоллар қўлланилган бўлиб, ундан олдин ушбу халқ хусусиятларини очиб беришга бағишланган ҳеч қандай манба яратилмаганлиги ҳамда япон мақоллари илк бор Кожикида қайд этилганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд [5].

Шундан сўнг, тахминан XIII - асрда халқ орасида мақоллар кенг тарқала бошлади ва Эдо даври (1603 – 1868)га келиб мақоллар сони сезиларли даражада ортиб борган ҳамда кишиларнинг мулоқот матнида кундалик турмуш тарзига оид мақоллар кенг қўлланилиши урфга кирган.

Япон мақоллари оддий халқ орасида яратилганлиги ва уларнинг аксарият қисми Эдо даврида асосан, сугчилар, деҳқонлар, хунармандлар ва балиқчилар каби тирикчилик билан шуғилланган соҳа вакиллари ўртасида яратилиб, халқ орасида кенг тарқалган ва ҳозирги кунда ҳам оддий халқ томонидан кундалик ҳаётдаги диалогик нутқ жараёнида самарали қўлланилмоқда. Бу борада олдинги бобларда батафсил тўхталган эдик.

Демак, мақоллар оддий халқ ҳаётида ҳар қандай даврда ҳам фаол бўлган сўз санаътидир. Биз яшаётган жамият шиддатли даражасида ўзгарган тақдирда ҳам, ҳар бир халқнинг ўзига хос миллийлиги ва хусусиятлари ҳамда жамиятда инсон табиати ўзгармас хусусиятга эга бўлиб, мақолларнинг асл мазмуни кишилар қалбида сақланиб қолади. Дарҳақиқат, мақоллар халқнинг донолиги, зеҳни ва зукколиги ҳамда унинг руҳий кечинмаларини акс эттирувчи кўзгудир.

Инсон зоти яралибдики, унга ато этилган ақл - идрок, зеҳн ва инсоний хусусиятлар бутун дунё халқларида уйғунликка эга. Шу нуқати назардан, ҳар бир халқ вакиллари томонидан яратилган турфазабон мақоллар ўша халқ тили табиатига кўра ўзаро хусусиятланса-да, уларнинг нутқда воқеланишида фаоллашадиган мазмун бир хил сифатга эга эканлигига шубҳа йўқ. Қуйида ўзбек ва япон халқ мақолларига эътибор қаратамиз:

Япон тилида: *塵も積もれば山となる。* [4] *Чанг ҳам йиғилиб, тогга айланади.*

Ўзбек тилида: *1. Бирин - бирин минг бўлар, Тома - тома кўл бўлар.*

2. *Оз - оздан ўрганиб, доно бўлур, Қатра - қатра йиғилиб, дарё бўлур [2].*

Япон халқининг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, ушбу халқ вакиллари маданий тараққиёт жиҳатидан дунёдаги энг илғор давлатлар қаторидан ўрин олган. Шу билан биргаликда, ўзга давлатларга хос бўлган маданиятга ҳам ҳурмат бажо келтирган ҳолда бажонидил қабул қилади, ҳаттоки, хорижий маданиятларнинг кичик қисмларини ўз маданий меросининг бир қисми сифатида қабул қилиши ва амалда тадбиқ этиши ҳақида далиллар мавжуд [4].

Хусусан, кун чиқар юрт вакиллари жаҳоннинг буюк цивилизацияларидан бири сифатида Хитойнинг кўплаб соҳаларга оид қадим замонлардан бошланган анъанавий маданиятини ўзига сингдириб, уни маҳорат билан ўзгартирган ва амалда қўллашга ҳаракат қилган. Ушбу ҳолат япон халқининг таъсир ўтказган соҳаларининг кўлами чексиздир. Давлат қонунлари ва қоидалардан тортиб мамлакатда йўлга қўйилган тизимлар, архитектура ва қурилиш соҳаси, савдо ва иқтисод соҳаси, урф - одатлар, тарбия, сиёсат, ҳуқуқ, диний саводхонлик ҳамда таълим тизимида, хусусан, япон алифбоси ва япон тили кабиларга ҳам сезиларли даражада таъсир ўтказиб келган.

Маълумки, Япония океан билан ўралган ороллардан ташкил топган давлат бўлиб, ушбу давлат вакиллари доимо ташқи дунё билан алоқа ўрнатиш истагида бўлишган. Шу сабабли бўлса керак, япон халқида хорижий маданиятларни камтарлик билан ўрганиш, денгиз ортидаги ўлкалар билан дўстона алоқада бўлиш ва уларга доим эҳтиром билан муомала қилиш ҳисси юқори эканлигини япон халқига хос бетакрор миллий хусусиятлардан бири дейиш мумкин.

Япон халқининг табиат билан ёнма - ён яшаши, камтарин, меҳнаткаш, тўғри сўз ва вафодорлиги ҳамда жиддий халқ экани бутун дунёда тан олинган ҳақиқатдир. Шу ўринда, ушбу халқ вакилларининг эҳтиёткорлиги, меҳмондўстлиги, сабр тоқатлиги ҳамда шарқона иффати ўзбек халқи учун ҳам хос бўлган хусусиятлардан дейиш мумкин. Бу борада иккала халқ учун

умумий бўлган хусусиятларни қамраб олган бир қатор мақоллар мавжуд:

Япон тилида:

慌てる乞食はもらいが少ない。

а) Шошилган тиланчи кам пул топар;

б) Шошилган тиланчи пулга ялчимас.

Ўзбек тилида:

1. Шошилган кишининг пушаймони кўп.

2. Шошилган - лойга ботган.

Юқорида тилга олинган мақоллар япон ва ўзбек халқларига хос бўлган сокин табиатлилик, иродали ҳамда эҳтиёткорлик хусусиятларини бевосида ойдинлаштиради. Шу билан бирга, бу турдаги мақоллар ботиний императивлик орқали жамиятда кишиларнинг нафақат характерларини кўрсатишга, балки халқни турли нохушликлардан эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлган ҳолда иш тутишга ундайди.

Юқорида зикр этилган фикрлар орқали, япон ва ўзбек халқларнинг ҳаёт тарзи ва фикрлаш дунёсида бир - бирига ўхшаш жиҳатларнинг мавжудлиги ва шу асосида кишиларни ҳаракат ва интилишга ундаш мақсадида яратилган сеҳирли калималари, ҳозирги даврда ҳам ўз қийматини сақлаган ҳолда, ҳаётий зиддиятларда кишиларга йўл кўрсатувчи маёқ сифатида таяниладиган манба вазифасини бажариб келмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абдурахмонов Ғ. таҳрири остида. Девони луғотит турк. Индекс-луғат. Т.: Фан, 1966
2. Тўра Мирзаев, Асқар Мусоқулов, Баҳодир Саримсоқов. Ўзбек халқ мақоллари. - Тошкент: «Шарқ» нашриёт-матбаа аксиядорлик корпорацияси Бош таҳририяти, 2005.
3. Мацуги Шигеру (松木茂) 「ミニことわざ辞典」東京：1993.
4. Ории Эйжи (折井英治) 「暮らしの中のことわざ辞典」東京：1962.
5. <https://www.kotovaza-bunka.org/form>